

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023-йил 26-июлдаги 56/12-сонли баёни ижроси юзасидан
Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг 2023-йил 2-ярим йиллигига мўлжалланган
ИШ РЕЖАСИ БАЖАРИЛИШИ ЮЗАСИДАН
МАЪЛУМОТ**

Т/р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддати	Бажарилиши
2023-йил 14-июл куни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг ўз лавозимиغا киришишига бағишланган тантанали маросимдаги нутқларидан келиб чиқадиган устувор вазифалар ижросини таъминлаш бўйича			
1.	<p>Ишсиз хотин-қизлар бандлигини таъминлашда уларни замонавий касб-хунарга ўқитиш, тадбиркорлик имкониятларини кенгайтириш ва янги иш ўринларини яратиш чораларини кўриш.</p> <p>Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро ва Хоразм вилоятларида соҳада амалга оширилаётган ишларни ўрганиш, ушбу ҳудудларнинг драйверларидан келиб чиққан ҳолда меҳнат бозорида хотин-қизлар учун янги иш ўринларини яратиш тизимини йўлга қўйиш.</p>	октябрь-ноябр	<p>Қорақалпоғистон Республикасида “Хотин-қизлар тадбиркорлик маркази” томонидан 2023 йилда жами 4000 нафар хотин-қизларни касб-хунарга ва тадбиркорликка ўқитиш режалаштирилган бўлиб, жорий йилнинг ўтган 10 оyi давомида 3 333 нафар хотин-қизлар марказларда ўқитилди. Ўқитилган хотин-қизларнинг 122 нафари ўзини ўзи банд қилиб, уларнинг барчаси имтиёзли кредитлар билан таъминланди. 213 нафари ишга жойлаштирилди. 5 нафари тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтказилиб, уларнинг 4 нафарига имтиёзли кредитлар ажратилди. Марказларда ўқитилган хотин-қизларнинг жами 340 нафарининг бандлиги таъминланди.</p> <p>Бухоро вилоятида “Хотин-қизлар тадбиркорлик маркази” томонидан 2023 йилда жами 5 120 нафар хотин-қизларни касб-хунарга ва тадбиркорликка ўқитиш режалаштирилган бўлиб, жорий йилнинг ўтган 10 оyi давомида 3 617 нафар хотин-қизлар марказларда ўқитилди. Ўқитилган хотин-қизларнинг 369 нафари ўзини ўзи банд қилиб, уларнинг барчаси имтиёзли кредитлар билан таъминланди. 409 нафари ишга жойлаштирилди. 81 нафари тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтказилиб, уларнинг барчасига имтиёзли кредитлар ажратилди. Марказларда ўқитилган хотин-қизларнинг жами 409 нафарининг бандлиги таъминланди.</p> <p>Хоразм вилоятида “Хотин-қизлар тадбиркорлик маркази”</p>

			томонидан 2023 йилда жами 2 640 нафар хотин-қизларни касб-хунарга ва тадбиркорликка ўқитиш режалаштирилган бўлиб, жорий йилнинг ўтган 10 оyi давомида 2 346 нафар хотин-қизлар марказларда ўқитилди. Ўқитилган хотин-қизларнинг 268 нафари ўзини ўзи банд қилиб, уларнинг барчаси имтиёзли кредитлар билан таъминланди. 58 нафари ишга жойлаштирилди. 1 нафари тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтказилиб, уларнинг барчасига имтиёзли кредитлар ажратилди. Марказларда ўқитилган хотин-қизларнинг жами 327 нафарининг бандлиги таъминланди.
2.	Жамиятда маданият, маънавият ва маърифат соҳаларини ривожлантириш, ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашда кенг жамоатчилик билан узвий ҳамкорликни йўлга қўйиш. Самарқанд, Бухоро ва Қашқадарё вилоятларида маданий-маърифий тадбирларни ташкил этиш.	август-декабр	<p>1. Уй бекалари ўртасида ўтказилган «Спорт малика-лари» спорт ҳафталиги: Самарқанд вилоятида – 627 та, Бухоро вилоятида – 86 та, Қашқадарё вилоятида – 413 та.</p> <p>2. оилавий жамоалар ўртасида ўтказилган «Соғлом оила — Янги Ўзбекистон таянчи» шиори остида уч босқичли спорт мусобақалари: Самарқанд вилоятида – 406 та, Бухоро вилоятида – 204 та, Қашқадарё вилоятида – 1104 та.</p> <p>3. «Спорт — нафислик ва саломатлик манбаи» шиори остида меҳнат жамоаларида ўтказилган спорт фестивал-лари: Самарқанд вилоятида – 310 та, Бухоро вилоятида – 155 та, Қашқадарё вилоятида – 622 та.</p> <p>4. Бошқа спорт тадбирлари: Самарқанд вилоятида – 17 та, Бухоро вилоятида – 205 та, Қашқадарё вилоятида – 463 та.</p>
“Янги Ўзбекистон – 2030” стратегиясини “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили”да амалга оширишга оид давлат дастуридан келиб чиқадиган вазифаларни амалга ошириш бўйича			
3.	Хотин-қизларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, уларга ўз салоҳиятини тўлақонли рўёбга чиқариш, сифатли таълим олишини таъминлаш учун қўшимча шарт- шароитларни яратиш.	25-август	<p>Мамлакатимизда хотин-қизларнинг таълим соҳаси ва илм-фандаги ўрнини кенгайтириш, олий таълим билан қамраб олиш даражаси, таълим сифатини ошириш орқали инсон капиталини ривожлантириш, келажакда уларни илмий тадқиқот ва инновацион фаолиятга янада кенг жалб этиш борасида кенг ислохотлар олиб борилмоқда.</p> <p>Жорий йилнинг 1-8 июн кунлари эҳтиёжманд оилалардан бўлган 50 668 нафар талабгор хотин-қизлар томонидан тавсиянома олиш учун аризалар белгиланган муддатларда хотин-қизлар.уз электрон платформаси орқали қабул қилинди.</p>

Эҳтиёжманд оилалардаги хотин-қизларга тавсиянома бериш масаласини кўриб чиқиш бўйича туман (шаҳар) Ишчи гуруҳлари томонидан мазкур аризалар Низом талаблари асосида кўриб чиқилиб, 38 702 нафар талабгорга тавсиянома беришга тавсия этиш ҳамда 11 668 нафар талабгорга тавсиянома бериш рад этиш тўғрисидаги баённомалар тегишли қарорлар билан расмийлаштирилиб, электрон шаклда Оила ва хотин-қизлар кўмитасига тақдим этилди.

Оила ва хотин-қизлар кўмита томонидан мазкур ҳужжатлар асосида кўмитанинг 2023-йил 14-июндаги тегишли буйруғи билан 38 702 нафар талабгорларга тавсиянома берилди.

Вазирлар Маҳкамасининг “Мутахассислиги бўйича камида беш йил меҳнат стажига эга бўлган хотин-қизларни давлат олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тартибини тасдиқлаш ҳақида” 2022 йил 9 июндаги 322-сонли қарор ижросини таъминлаш мақсадида, туман (шаҳар)ларда мутахассислиги бўйича камида беш йил меҳнат стажига эга бўлган хотин-қизларга тавсиянома бериш масаласини кўриб чиқиш бўйича Ишчи гуруҳлари шакллантирилди.

Мутахассислиги бўйича камида беш йил меҳнат стажига эга бўлган, лекин олий маълумотга эга бўлмаган, ўрта махсус ёки профессионал таълим муассасаларини тамомлаган 12 563 нафар талабгор томонидан тавсиянома олиш учун аризалар доимий яшаш ёки вақтинча рўйхатда турган жойидаги туман (шаҳар) ишчи гуруҳларига тақдим этилди.

Талабгорларнинг аризалари Низомда белгиланган талабларга мувофиқлиги ўрганилиб, хотин-қизлар.уз электрон платформасига киритилди.

Туман (шаҳар) ишчи гуруҳлари томонидан мазкур аризалар Низом талаблари асосида (ўрта махсус ёки профессионал таълим бўйича мутахассисликка эга бўлиши, тавсиянома олгунга қадар олий таълим олмаганлиги ёки олмаётганлиги, ўрта махсус ёки профессионал таълим мутахассислиги бўйича камида беш йиллик меҳнат стажига эга бўлиши) ўрганилиб, кўриб чиқилиб, 11 992

			<p>нафар талабгорга тавсиянома беришга тавсия этиш ҳамда 558 нафар талабгорга тавсиянома бериш рад этиш тўғрисидаги баённомалар тегишли қарорлар билан расмийлаштирилиб, Оила ва хотин-қизлар қўмитасига тақдим этилди.</p> <p>Оила ва хотин-қизлар қўмита томонидан мазкур ҳужжатлар асосида қўмитанинг 2023 йил 14 июндаги тегишли буйруғи билан 11 992 нафар талабгорларга тавсиянома берилди.</p> <p>Шунингдек, 2023-йилнинг ўтган даврида 2022-2023 ўқув йилининг 2-ярми учун 14 110 нафар магистратурада таҳсил олган хотин-қизларнинг тўлов-шартномасига 85,1 млрд.сўм маблағ Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан тўлаб берилди.</p> <p>Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий, ўрта махсус ва профессионал таълим ташкилотларида хотин-қизларнинг таълим олишларини қўллаб-қувватлашга доир чора-тадбирлар тўғрисида” 2022 йил 18 июлдаги 323-сон Қарорига мувофиқ ОТМ, техникум ва коллежларда, сиртки ва кечки таълимда ўқиётган хотин-қизларнинг контрактларини тўлаш учун 7 йилга фоизсиз кредит бериш тизими жорий этилиб, унга кўра, 2023 йилнинг ўтган даврида 36 минг нафардан зиёд талаба хотин-қизлар учун 335,5 млрд.сўм миқдорда имтиёзли (фоизсиз) таълим кредитлари ажратилди.</p>
4.	Хотин-қизларнинг таълим ва касбий кўникмалар олишлари, муносиб иш топишларига қўмаклашиш, тадбиркорлигини ривожлантириш, иқтидорли қизларни аниқлаш ва қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш бўйича таклиф ишлаб чиқиш.	30-сентябр	<p>Хотин-қизларнинг таълим олиши, касбий кўникмаларни эгаллаши ва муносиб иш топишига қўмаклашиш, тадбиркорлигини ривожлантириш тизимини такомиллаштиришга оид Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳасига таклифлар юборилганлиги ҳақида Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигига жорий йилнинг 13-сентябр куни 02-01/1253-сонли хат билан юборилди.</p>
5.	Нуронийларнинг жамоатчилик назоратини амалга оширишдаги ролини кучайтириш орқали оила мутаҳкамлигини таъминлаш, маҳалла тинчлигини сақлаш ва таълим ташкилотларида таълим-тарбиянинг	сентябр-декабр	<p>«Бўвижонлар маърифати» мавзуси остида ўтказилган учрашувлар:</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. «Кекса шифокор — миллат соғлиғига мададкор» - 6697 та; 2. «Адолат тарозисини маҳкам тутиб» - 5 813 та; 3. «Гўзал юртим иморатла-ри пойдеворининг эгаси» - 5449 та;

	муҳимлиги масалаларида тарғибот тарбирларини ишлаб чиқиб амалга ошириш.		4. «Кўзга суртгум устоз босган тупроқларни» - 9159 та; 5. «Илми уммон шарафига сазоворлар» - 6697 та; 6. «Аёл бахтли бўлса, жамият бахтли бўлади» - 15 344 та.
6.	Репродуктив саломатлик ва оилани ихтиёрийрежалаштириш миллий дастурини ишлаб чиқиш.	20-декабр	<p>Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида 2022-йил 17-июн куни “Болалар онкогематологияси тизими ҳамда оналик ва болаликни муҳофаза қилишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” кенгайтирилган тарзда ўтказилган 50-сонли мажлис баёнининг 19.2-бандида белгиланган топшириқлар ижросини таъминлаш мақсадида вояга етмаган қизларни эрта турмушга беришга тўлиқ барҳам бериш, исталмаган ҳомиладорликларнинг олдини олишга қаратилган тарғибот ишларини кучайтириш тўғрисида Оила ва хотин-қизлар қўмитаси томонидан қуйидаги ишлар амалга оширилди:</p> <p>“Вояга етмаган қизларни эрта турмушга беришга тўлиқ барҳам бериш, исталмаган ҳомиладорликларнинг олдини олишга қаратилган мутасадди вазирлик ва идораларнинг чора-тадбирлар дастури” Ишлаб чиқилди. Дастур доирасида:</p> <ul style="list-style-type: none"> - хотин-қизлар фаоллари ҳамда тиббиёт ходимларини жалб этган ҳолда, маҳаллаларда хонадонбай юриб, вояга етмаган қизларни эрта турмушга беришга тўлиқ барҳам бериш, исталмаган ҳомиладорлик, эрта никоҳ ва қариндошлар ўртасида никоҳ тузишни олдини олиш бўйича январ-октябр ойларида 48 минг 500 га яқин тарғибот тадбирларида 844 500 нафардан зиёд аҳоли иштирок этди. 6 066 маротаба ОАВ ва ижтимоий тармоқларда ёритилди. 925 404 та тарқатма материаллар тарқатилди; - адлия ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан биргаликда никоҳ ёши тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш ҳолатларига жавобгарлик белгиланганлиги, эрта никоҳларнинг салбий оқибатлари ва соғлом турмуш тарзини тарғиб этувчи тадбирлар ўтказилди; - адлия ва ФХДЁ органлари билан ҳамкорликда қонуний никоҳдан ўтмай яшаётган оилаларни ўрганиш орқали

			<p>ихтиёрийлик асосида 9035 нафар оилаларнинг никоҳи расмийлаштирилди.</p> <p>Бундан ташқари, “Оила ва хотин-қизлар” илмий-тадқиқот институти томонидан никоҳ ёши тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш ҳолатларига жавобгарлик белгиланганлиги, эрта никоҳларнинг салбий оқибатлари ва соғлом турмуш тарзини тарғиб этувчи буклет ва эслатмалар тайёрланди ҳамда ҳудудларга етказилди. Хусусан:</p> <ul style="list-style-type: none"> - эрта турмушнинг олдини олишга қаратилган 2 та, яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг салбий оқибатлари юзасидан 1 та ижтимоий ролик, оилавий ажримларнинг олдини олиш мақсадида 2 та, эрта турмушни олдини олишга қаратилган 2 та аннимацион мултфилмлар тайёрланиб, республиканинг оммавий ахборот воситаларида ва ижтимоий тармоқларда ёритилди; - эрта никоҳ ва эрта туғруқ ҳолатларини олдини олиш, уларнинг салбий оқибатлари юзасидан маҳаллалардаги “Ота-оналар университетлари” учун 9 та, мактаблар ва профессионал таълим муассасалари учун 7 та, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш марказлари учун 7 та такдимотлар тайёрланиб, амалиётга тадбиқ этилди; - ота-оналар учун “Эрта турмуш – етти ўлчаб, бир кесинг” рукни остида, ёшлар учун “Эрта турмуш – барчага ташвиш” рукни остида илмий-услубий қўлланма ишлаб чиқилди ҳамда маҳаллалар, умумтаълим ва профессионал таълим муассасаларига ва хотин-қизлар фаолларига фаолиятида фойдаланиш мақсадида етказилди; - аҳолига қўшимча қулайликлар яратиш ва тарғибот тадбирларини кучайтириш мақсадида, “Менинг оилам” мобил иловаси ишлаб чиқилди. <p>2023 йилнинг январ-октябр ойи давомида жами 8 та эрта</p>
--	--	--	---

			<p>никоҳ қайд этилган бўлиб, ушбу кўрсаткич ўтган йилнинг ҳисобот даврига нисбатан 14 тага камайган.</p> <p>Хусусан, Жиззахда 2 та, Сирдарёда 4 та, Самарқанд вилоятларида ва Тошкент шаҳрида 1 тадан қайд этилган.</p> <p>Республикада жорий йилнинг октябр ойи якунига кўра, жами хотин-қизлар 17 943 495 нафар бўлиб, шундан 9 293 393 нафари туғиш ёшидаги аёллар ҳисобланади, 1 396 921 нафар аёлларнинг туғишга монелиги мавжуд.</p> <p>Ҳисобот даврига нисбатан 609 563 нафар аёллар контрацептив воситалар билан таъминланди. 233 171 та контрацептив воситаларнинг захираси мавжуд.</p> <p>2023 йилнинг ўтган даврида контрацепция воситаларини харид қилиш учун маҳаллий бюджет ҳисобидан жами вилоятларда 19,7 млрд. сўм маблағ ажратилган.</p> <p>Юқоридагиларни инобатга олиб, 50-сонли мажлис баёнининг 19.2-бандида белгиланган топшириқлар ижроси таъминланганлигини инобатга олиб, топшириқни назоратдан чиқаришингизни сўраймиз.</p>
7.	<p>Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳудудларга ташрифлари якунлари бўйича тасдиқланган баённомаларда белгиланган топшириқлар ижросини таъминлаш.</p> <p>Бунда Андижон вилояти (01.02.2023 й., №5) 31, 32- бандлари, Тошкент шаҳри (23.02.2023 й №8) 31-банди, Қашқадарё вилояти (24.02.20223 й., №12) 26-банди ҳамда Бухоро вилояти (03.03.2023 й., №11) 11-бандларидаги вазифалар ижросини таъминлаш.</p>	август-декабр	<p>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 23 феврал куни Тошкент шаҳрига ташрифи якунлари бўйича топшириқлар баёни 31-банди ижроси юзасидан касб-хунарга ўқитилиб, бандлиги таъминланадиган эҳтиёжманд 10 200 нафар хотин-қизлардан 2023 йил 1 декабр ҳолатига 9 925 нафари касбга ва тадбиркорликка ўқитилиб, шундан 2 257 нафари “Хотин-қизлар тадбиркорлик маркази”да, 6 983 нафари Камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлимларининг ўқув масканлари томонидан ўқитилди. Ўқитилган хотин-қизларнинг 6 844 нафари бандлигини таъминлашга кўмаклашилди.</p> <p>Бухоро вилоятига ташриф баёнида белгиланган вазифа- 40 958 нафар хотин-қизлар бандлигини таъминлаш касб-хунарга ўқитиш мақсадида вилоят ҳокимининг 2023 йил 2 мартдаги 1/1229-8-</p>

			<p>сонли Йўл харитаси ишлаб чиқилди. Ушбу йўл харитага асосан ҳозирги кунга қадар жами 65 минг 572 нафар, шундан мавжуд бўш иш ўринларига 15 615 нафар, ҳақ тўланадиган жамоат ишларига 4 714 нафар ва тадбиркорлик йўналиши бўйича 5 282 нафар хотин-қизларнинг бандлиги таъминланди, шунингдек 3 522 нафар “Хотин-қизлар тадбиркорлик марказлари”да меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касб-ҳунарлар ва тадбиркорлик кўникмаларига ўқитилди.</p> <p>Бандликни рағбатлантирувчи субсидия маблағлари ажратиш ҳисобига "Бандликка кўмаклашиш" жамғармасидан 403 нафар хотин-қизларга 208,0 млн сўм миқдорда, "Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш" жамғармасидан 2 867 нафар хотин-қизларга 15 млрд 431 млн сўм миқдорда маблағлар ажратилди.</p> <p>Вилоят Солиқ кўмитаси томонидан томорқасида тадбиркорлик қилаётган ҳамда ўзини ўзи банд қилувчи тоифасига киритилган 36 326 нафар хотин-қизларга амалий ёрдам кўрсатилди.</p> <p>Вилоят худудида хотин-қизлар раҳбарлигидаги 203 та фермер хўжаликларига, 3789 нафар хотин-қизларга томарқаларидан самарали фойдаланиб даромад олишлари учун кўмаклашилди.</p> <p>365 нафар хотин-қизларни “Ҳунарманд” уюшмасига аъзо этиб “Устоз-шогирд” анъанаси бўйича ҳунармандчиликка жалб этиш чоралари кўрилди.</p>
8.	<p>Оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлашга доир давлат сиёсатининг самарали амалга оширилишини таъминлаш, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда хотин-қизларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги роли ва фаоллигини ошириш, уларни раҳбарликка тайёрлаш мақсадида амалдаги қонунчиликни ўрганиш ва тегишли таклифлар</p>	25-август	<p>Бугунги кунда мамлакатимизда хотин-қизлар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқлилигини таъминлаш, хотин-қизларнинг давлат бошқарувидаги ролини ошириш, уларни турли масъулиятли лавозимларга тайинлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.</p> <p>Бу борада юртимизда Давлатимиз раҳбари бошчиликларида кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда.</p> <p>Соҳага оид 40 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниб, ижрога қаратилган.</p>

ишлаб чиқиш.		<p>Хотин-қизларнинг мамлакат иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ҳаётининг барча жабҳаларида фаоллигини ошириш бўйича 2022-2026 йиллардаги чора-тадбирларни ўз ичига олган Миллий дастур қабул қилинди.</p> <p>Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари, Давлат Раҳбарининг Фармон, Қарорлари, Олий Мажлис Сенатининг ҳамда Ҳукуматнинг соҳага доир қарорлари қабул қилиниши натижасида бир қатор институционал ўзгаришлар амалга оширилди.</p> <p>Ўзбекистон Республикасининг янгиланган Конституциясининг 58-моддасида хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқлиги белгилаб берилган.</p> <p>Конституцияга мувофиқ, давлат хотин-қизлар ва эркакларга давлат ишларини бошқаришда, шунингдек, жамият ва давлат ҳаётининг бошқа соҳаларида тенг ҳуқуқ имкониятларини таъминлайди.</p> <p>Таҳлилларга кўра, бугунги кунда республика ва маҳаллий даражадаги ижро ҳокимияти органларининг раҳбарлик лавозимларида жами 241 нафар хотин-қизлар фаолият юритаётган бўлиб, уларнинг 2 нафари раҳбар (вазир, кўмита раиси), 9 нафари раҳбар ўринбосари (вазир, раис ва директор ўринбосарлари), 14 нафари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосарлари, 4 нафари туман(шаҳар) ҳокими ҳамда 212 нафари туман (шаҳар) ҳокимининг ўринбосарлари лавозимида фаолият юритмоқда.</p> <p>Бу борада хотин-қизлар учун бир қатор имкониятлар яратилган.</p> <p>Биринчидан, миллий сайлов қонунчилигимизда сиёсий партиялар томонидан сайловларда депутатликка номзодларни кўрсатишда хотин-қизлар учун 30 фоизлик квота белгиланган.</p> <p>Иккинчидан, барча давлат органлари ва ташкилотлари, устав капиталида давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган ташкилотлар ҳамда уларнинг тизимидаги ташкилотлар раҳбарларининг камида 1 нафар ўринбосарини хотин-қизлар</p>
--------------	--	---

орасидан тайинлаш тизими жорий этилган.

Учинчидан, ижтимоий фаол аёлларни раҳбарлик лавозимларига тайёрлаб бориш, уларни ўқитиш, малакасини ошириш имкониятлари яратилган бу борада Давлат бошқаруви Академиясида алоҳида “Раҳбар аёллар мактаби” ўқув курслари ташкил этилган. Мазкур ва ҳар йили заҳирага олинган хотин-қизлардан 100 нафари ўқитиб келинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 7 мартдаги “Оила ва хотин-қизларни тизимли қўллаб-қувватлашга доир ишларни янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-87-сонли Фармони ҳамда “2022-2026-йилларда хотин-қизларнинг мамлакат иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ҳаётининг барча жабҳаларида фаоллигини ошириш бўйича Миллий дастур”га асосан “Раҳбар аёллар мактаби” ўқув дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш белгиланган.

Оила ва хотин-қизлар қўмитаси, Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги, Давлат бошқаруви академияси билан биргаликда давлат бошқарувининг турли соҳаларида фаолият олиб бораётган фаол хотин-қизларни раҳбарликка тайёрлашга қаратилган 2 ойлик 552 соатдан иборат “Раҳбар аёллар мактаби” ўқув дастури ишлаб чиқилди.

Давлат бошқарувининг турли соҳаларида фаолият олиб бораётган юқори касбий салоҳиятга эга, ташаббускор ва ислохотларни амалга оширишда фаол иштирок этувчи 100 нафар ёш раҳбар аёллар танлаб олинди. Танлаб олинган ёш раҳбар аёллар учун Давлат бошқаруви академиясида 2 та мавсумда ўқув машғулотлари ташкил этилди.

Биринчи мавсум 2022 йилнинг сентябр-ноябр ойлари ташкил этилиб, унда 47 нафар ёш раҳбар аёллар иштирок этди. Иккинчи мавсум 2022 йил декабр ойида бошланди ва 2023 йилнинг феврал ойига қадар давом этди. Унда 53 нафар ёш раҳбар аёллар иштирок этди.

Курс доирасида тингловчилар раҳбар аёл фаолиятининг мазмуни: миллий ва хорижий тажриба, натижага йўналтирилган

бошқарув, бошқарувда аёллар: тарихий ва гендер аспекти, давлат сиёсатининг турли соҳалари бўйича, шунингдек, ҳудудларни жадал ривожлантириш, давлат бошқарувини рақамлаштириш, коррупцияга қарши кураш каби йўналишларда ўз билимини оширди.

Машғулотларни ўтказиш учун вазирлик-идораларнинг тажрибали раҳбарлари, юқори малакали эксперт ва амалиётчилар жалб қилинди. Шунингдек, тингловчилар учун турли маданий тадбирлар ташкил этилди.

Курс якуни бўйича ўзлаштирган мавзулар юзасидан тест синовлари, психологик портретини аниқлаш мақсадида махсус сўровномалар тўлдирилди ҳамда компетенциялар бўйича суҳбат ташкил этилди.

“Раҳбар аёллар мактаби” ўқув дастурининг учинчи мавсуми 2023 йилнинг сентябр ойида ўтказилиши режалаштирилмоқда. Ўқув дастури маънавий қиёфани ўзгартириш, режалаштириш, жамоани шакллантириш, лидерлик ва мулоқот кўникмаларини шакллантириш мавзуларини ўз ичига қамраб олади.

Давлат бошқаруви академияси ва унинг ҳудудий филиаллари томонидан раҳбарликка захирадаги хотин-қизларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимлари ҳамда бошқарув кўникмаларини ошириш мақсадида жорий йилнинг январ-июн ойларида вазирлик ва идоралар марказий аппаратларида фаолият юритаётган таркибий бўлинмалар раҳбар кадрлари учун бир ҳафталик махсус малака ошириш курслари ташкил этилди. Мазкур курслар етти маротаба ўтказилди ва жами 30 нафар раҳбар аёллар иштирок этди.

Раҳбар ходимларда халқ билан муомала маданияти, оғзаки нутқ, мулоқот маҳоратини ошириш мақсадида давлат фуқаролик хизматчилари учун “Нотиклик санъати: коммуникатив компетентлик, мулоқот ва муомала маданияти асослари” номли ўқув курси 3 босқичда ташкил этилди ва жами 19 нафар хотин-қизлар малакаси оширилди.

Миллий кадрлар захирасига киритилган номзодлар учун

			<p>қисқа муддатли малака ошириш курси 3 босқичда ўтказилди ва 13 нафар раҳбар аёлларнинг профессионал ва интеллектуал кўникмалари ривожлантирилди.</p> <p>Раҳбарлик лавозимида хотин-қизлар улушини янада ошириш мақсадида қуйидагилар таклиф этилади:</p> <ol style="list-style-type: none">1. Лавозимда ўсишда аёллар учун гендер вертикал сегрегацияси муаммосининг сабабларини бартараф этиш, “карьер модели” ни самарали амалга оширишилиши ҳамда хотин-қизларни етакчи лавозимларга мақсадли тайёрланишини таъминлаш.2. Хотин-қизларни малака ошириш курсларига кенгроқ жалб қилиш уларга ИТ, лидердик, мулоқот ўрнатиш кўникмалари ҳамда еракчилик салоҳиятини ривожлантиришга қаратилган чоратadbирларни амалга ошириш.3. Хотин-қизларнинг сиёсий хабардорлигини оширишга, уларни раҳбарлик лавозимларига тайёрлашга қаратилган тизимли ўқишларни ташкил этиш, бунда махсус онлайн малака ошириш курсларини кенг йўлга қўйиш, шунингдек, халқаро даражадаги масофавий малака ошириш курсларида таълим олишни рағбатлантириш.4. Давлат фуқаролик хизматида хотин-қизлар учун жинси бўйича камситилиш ҳолатлари ва турли тазйиқ ҳамда зўравонликлар ҳақида маълумот бериш тизимини яратиш.5. Давлат органларида фаолият олиб бораётган хотин-қизларга бўлган муносабатни (стериотип), жамиятнинг онгини ўзгартириш, хотин-қизларнинг ижтимоий ва сиёсий ҳаётдаги ўрнини ошириш бўйича кенг жамоатчилик иштирокини ошириш.6. Хотин-қизларни ривожланган чет эл мамлакатларида тажриба алмашиш курсларида (тадбиркорлик, оила психологияси, информацион технологиялар, медиация ва инсон ҳуқуқлари бўйича) малака оширишни йўлга қўйиш;7. Ўзбекистон бизнес лойихаларига, яъни стартап проектларини ишлаб чиқиш, Ўзбекистон бизнесини яратишга шароит яратиш ва қўллаб-қувватлаш;
--	--	--	---

			8. Жамиятда аёлнинг ўрни, қизларнинг тарбияси, уларни жамиятдаги ролини оширишга қаратилган медиа-форумларни мунтазам равишда барча ҳудудларда ташкиллаштириш ҳамда фаолларни тақдирлаш.
Хотин-қизларнинг ва оилаларнинг муаммоларини ўз вақтида аниқлаш, ёрдамга муҳтож ва оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизларни, шу жумладан, ногиронлиги бўлган аёлларни манзилли қўллаб-қувватлаш бўйича			
9.	<p>“Аёллар дафтари”нинг 3-4-5-6 тоифаларига киритилган эҳтиёжманд хотин-қизларга моддий ёрдамлар кўрсатиш ва компенсациялар ойма-ой тўланишини ташкил этиш.</p> <p>Бунда дафтарга киритилган 1,0 млн нафардан зиёд хотин-қизларга кўрсатиладиган амалий ёрдамларнинг ҳаққонийлиги бўйича шахсий масъулият ва жавобгарликни белгилаш ҳамда жамоатчилик назоратини ўрнатиш.</p>	июл-декабр	<p>“Аёллар дафтари”нинг 3-тоифа бўйича</p> <p>225 532 нафар боқувчиси бўлмаган эҳтиёжманд хотин-қизлардан 198 509 нафарига 324 млрд. сўмлик <u>бир марталик</u> моддий ёрдам берилди. Шундан:</p> <p>-3205 нафарининг уй-жойи 16,6 млрд. сўм эвазига таъмирлаб берилди.</p> <p>-24 230 нафарига 10,7 млрд сўмлик қўшимча ёрдамлар кўрсатилди (<i>тикув машинаси, озиқ-овқат ва ҳ.к.</i>).</p> <p>4-тоифа бўйича 202 897 нафар ижтимоий ёрдамга муҳтож 1 ва 2 гуруҳ ногиронлиги бўлган шунингдек, тезкор тиббий муолажага муҳтож эҳтиёжманд хотин-қизлардан 181 812 нафарига 407,1 млрд. сўмлик <u>бир марталик</u> моддий ёрдам берилди. Шундан:</p> <p>-1881 нафарининг уй-жойи 10,1 млрд сўм эвазига таъмирлаб берилди.</p> <p>-26 383 нафарига 8,3 млрд сўмлик қўшимча ёрдамлар кўрсатилди (<i>тикув машинаси, озиқ-овқат ва ҳ.к.</i>).</p> <p>5-тоифа бўйича 9 128 нафар уй-жойга муҳтож эҳтиёжманд хотин-қизларнинг 7875 нафарига 46,8 млрд. сўмлик ёрдам кўрсатилган.</p> <p>- 1047 нафари уй-жой билан таъминланишига 36,8 млрд. сўм маблағ сарфланди.</p> <p>-6 819 нафарига 10,5 млрд. сўмлик ижара компенсацияси тўлаб берилди;</p> <p>- 244 нафарига "Сектор раҳбари тавсиясига асосан БХМ 2 баробари миқдорида 1,6 млрд. сўмлик бир марталик моддий ёрдам</p>

			<p>берилди; -1307 нафарига 662 млн. сўмлик қўшимча ёрдамлар кўрсатилди (<i>тикув машинаси, озиқ-овқат ва ҳ.к.</i>).</p> <p>6-тоифа бўйича 87 741 нафар қарамоғида ногиронлиги бўлган фарзанди мавжуд эҳтиёжман аёллардан 81 780 нафарига 138,4 млрд. сўмлик ("<i>Аёллар дафтари жамғармаси</i>"дан 137,4 млрд. сўм ва "<i>Саховат ва қўмак жамғармаси</i>" дан 1 млрд сўм) моддий ёрдамлар берилди. Шундан:</p> <p>-4046 нафарига томорқадан самарали фойдаланиш учун фермерлар кенгаши жамғармасидан 1,4 млрд. сўмлик имтиёзли кредитлар ажратилди. Шундан,</p> <p>-2124 нафарига 10 йилга ижарага бериладиган майдонларда ташкил этилган деҳқон хўжаликларида бандлиги таъминланди;</p> <p>-116 нафарига ихчам иссиқхона қуриш, артезиан қудуқларини қазиш ва инкубатор етказиб бериш орқали бандлиги таъминланди;</p> <p>-510 нафарига парранда (товук, бройлер ва курка) боқишни йўлга қўйиш орқали бандлиги таъминланди;</p> <p>-41 нафарига чорва (қорамол, қўй, эчки), асалари, қуён ва чувалчанг боқишни йўлга қўйиш орқали бандлиги таъминланди;</p> <p>-1243 нафарига "Томорқа хизмати" корхоналари ва кластерлари ҳамда лидер тадбиркорлар орқали бандлиги таъминланди;</p> <p>-8 нафарига дала дўконларини ташкил этиш орқали бандлиги таъминланди.</p> <p>-10463 нафарига 3,9 млрд. сўмлик қўшимча ёрдамлар кўрсатилди (<i>тикув машинаси, озиқ-овқат ва ҳ.к.</i>).</p>
10.	<p>Маҳаллаларда ижтимоий муаммоларни аниқлаш ва ҳал этиш ишларини комплекс ташкил этиш, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолига жорий этилган "оилабай" ёндашув тизимини ҳамда кўрсатилаётган ижтимоий хизматларни янада жадалаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш.</p>	20-октябр	<p>Жами 27 061 та оилалар ўрганилган (Бирламчи баҳоланган), шундан, 2434 та оилада муаммолар аниқланган (мажмуавий баҳоланган), мурожаатлар сони эса 6283 тани ташкил этади.</p> <p>"Маҳаллада ижтимоий хизмат" электрон модули тизими ишга туширилди. Маҳаллаларда комплекс ёндашув тизими асосида ижтимоий хизматларни жорий қилиш бўйича вилоят, туман (шаҳар) штаблар фаолияти йўлга қўйилди.</p>

<p>11.</p>	<p>Оила ва хотин-қизларнинг муаммоларини ўз вақтида аниқлаш, ёрдамга муҳтож ва оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизлар, шу жумладан, ногиронлиги бўлган аёлларни манзилли қўллаб-қувватлаш, уларга ижтимоий-ҳуқуқий, психологик ва моддий ёрдам кўрсатиш тадбирларини амалга ошириш.</p> <p>Бунда Оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси орқали:</p> <p>850 нафар хотин-қизларнинг жарроҳлик операсияларини ўтказиш;</p> <p>2 000 нафар ногиронлиги бўлган аёллар ва болаларни реабилитасия воситалари билан таъминлаш;</p> <p>1150 нафар хотин-қизларнинг уй-жойларини таъмирлаш чораларини кўриш.</p>	<p>август-декабр</p>	<p>Ёрдамга муҳтож ва оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин- қизлар аниқланиб, уларга қуйидаги ёрдамлар кўрсатилди.</p> <p>Бунда Оила ва хотин-қизларни қўллаб- қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси орқали:</p> <p>880 нафар хотин-қизларнинг жарроҳлик операсияларини ўтказилди;</p> <p>2 516 нафар ногиронлиги бўлган аёллар ва болаларни реабилитасия воситалари билан таъминланди;</p> <p>1881 нафарининг уй-жойи 10,1 млрд сўм эвазига таъмирлаб берилди.</p>
<p>12.</p>	<p>Худудларда тузилган “Оила баланси” натижалари, шунингдек, оилавий ажралишлар ошган, ажрим ёқасида турган нотинч оилалар билан манзилли ишлаш юзасидан амалий чора- тадбирлар белгилаш.</p> <p>Бунда психологлар тайёрлайдиган олий таълим муассасаларида учрашувлар ўтказиш, улар билан ҳамкорликда оилавий ажримларнинг олдини олиш, оиладаги шахслараро муносабатларни яхшилашда алоҳида мутахассислар тайёрлашда таклифлар ишлаб чиқиш.</p> <p>Республикада танланган туман (шаҳар)ларда Медиатсия марказларини ташкил қилиш.</p>	<p>20-август</p> <p>20-октябр- 20-ноябр</p>	<p>Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023-йил 26-июлдаги 56/12- сонли баёни ижроси юзасидан Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг 2023-йил ИИ ярим йиллигига мўлжалланган иш режанинг 42.17-банд ижроси бўйича Мамлакатимизда оилалар сони – 9 546 208 та бўлиб, шундан 30 ёшгача бўлган ёш оилалар сони – 3 095 309 тани ташкил этади. 2023 йил январ-сентябр ойи якунига кўра янги расмийлаштирилган никоҳлар сони – 159 480 та бўлиб, шундан 199 таси яқин қариндошлар ўртасида қайд этилган никоҳлар ҳисобланади. 1. Ҳисобот даврида 37 654 та оилавий ажримлар қайд этилган. Бу кўрсаткич 2022 йилнинг шу даврида 36463 тани ташкил этган бўлиб, ўтган йилнинг ҳисобот даврига нисбатан ёки 3,3 фоизга (+1191 та)га ортган. Оилавий ажрим кўрсаткичлари Самарқанд (-325), Қашқадарё (-130), Бухоро (-105), Тошкент вилоятида (-164), Сирдарё вилоятларида (-131) камайган. Маҳалла</p>

раислари ва хотин-қизлар фаолларининг медиация усулини қўллаш соҳасидаги билим ва малакаларини ошириш бўйича ўқув-семинарлари РЕЖА-ГРАФИГИ ишлаб чиқилди. Маҳалла раислари ва хотин-қизлар фаоллари учун “ОИЛА МЕДИАЦИЯСИ” қисқа муддатли ўқув семинарларининг ЎҚУВ ДАСТУРИ Адлия вазирлиги ва Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги билан ҳамкорликда тайёрланди. Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси, маҳалла тизими ва ҳамкорлар билан биргаликда бугунги кунга қадар республикамизда 12900 та низоли оилалар яраштирилди.

Вазирлик-идоралар билан тузилган 4 та қўшма қарор ва ҳамкорлик дастурлари асосида маънавий муҳитни барқарорлигини мустаҳкамлаш мақсадида маҳаллаларда “Оталар мактаби” жамоатчилик тузилмаси ҳамда таълим муассасаларида “Йигитлар клуби” ташкил қилинмоқда. “Низоли оила вакиллари билан индивидуал ишлаш дафтари” яратилди. Ҳар бир туманда ташкил этилган “Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш марказлари”да 38786 нафар никоҳланувчи ёшларга оила сабоқлари берилди. “Оқида аёллар ҳаракати” жамоатчилик тузилмаси томонидан хонадонлардаги низолар жойида, ўз вақтида бартараф этиш чоралари кўрилмоқда. Ажримларни олдини олиш учун Адлия вазирлиги билан ҳамкорликда профессионал медиатор тайёрлаш тизими жорий қилинди. Пилот лойиҳа сифатида Миробод туманлараро судида алоҳида “Яраштирув хонаси” ташкил этилиб, зарур шарт-шароитлар яратилди. “Оила ва хотин-қизлар илмий-тадқиқот институти” томонидан кўплаб қўлланма ва рисоалар, мултимедия, монография, электрон ўқув қўлланмалар ҳамда “Янги Ўзбекистоннинг фаровон оиласи” номли илмий-оммабоп рисоалар чоп этилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 1 мартдаги “Оила ва хотинқизлар билан ишлаш, маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш

		<p>чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-81-сон Фармонига асосан оила ва хотин-қизларнинг муаммоларини ўз вақтида аниқлаш, оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган оила ва хотин-қизларга ижтимоий-ҳуқуқий, психологик ёрдам кўрсатиш Қўмитанинг асосий вазифа ва фаолият йўналишларидан бири этиб белгиланган. Фармонда белгиланган вазифалар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси 2023 йил 26 июндаги 09-1216-сонли кўрсатма хати ижросини амалга ошириш мақсадида Оила ва хотин-қизлар қўмитаси ва Ўзбекистон психологлари ассоциацияси билан ҳамкорликда қуйидаги ишлар амалга оширилди. Хусусан, Оила ва хотин-қизлар қўмитаси ва Ўзбекистон психологлари ассоциацияси билан биргаликда Маҳалла хотин-қизлар фаолларининг оилалар билан ишлашда низоли вазиятларнинг олдини олиш, хотин-қизларга ижтимоий-психологик ёрдамлар кўрсатиш жараёнларини ташкил этиш юзасидан қўшма чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди; семинар-тренингларни ташкил этиш тўғрисида Қўмитанинг 2023 йил 14 июл куни 72-сонли буйруғи қабул қилинди; маҳалла хотин-қизлар фаолларида оилалар билан ишлашда низоли вазиятларни олдини олиш, хотин-қизларга ҳуқуқий-психологик ёрдам кўрсатиш борасида психологик билимларини шакллантиришга қаратилган семинар-тренинглар Оила ва хотин-қизлар қўмитаси ва Ўзбекистон психологлари ассоциацияси билан биргаликда ишлаб чиқилган махсус ўқув дастури асосида жорий йилнинг 24 июл кунидан бошлаб, 12 август кунгача ўтказилди; Қўмита томонидан Ўзбекистон психологлари ассоциацияси билан ҳамкорликда 9 442 та маҳаллалардаги хотин-қизлар фаолларини қамраб олган ҳолда ҳар бир ҳудуд учун тақсимот режа-графиклари ишлаб чиқилди; Семинар-тренингларни ўтказиш учун Ўзбекистон психологлари ассоциацияси томонидан соҳавий йўналиш бўйича малакага эга ва тажрибали 51 нафар психологлар жалб этилди ва улар тақсимот режа-графиклар асосида ҳудудларга бириктирилди. Ўтказилган</p>
--	--	---

			<p>семинар-тренингларда 9 442 та маҳаллалардаги хотин-қизлар фаолларидан 9 248 нафар хотин-қизлар фаоллари иштироки таъминланди ва айрим (соғлиғи, сафардалиги ва бошқа) сабабларга кўра 194 нафар маҳалладаги хотин-қизлар фаоллари иштирок эта олмади. Ўтказилган семинар-тренингларда сектор раҳбарлари ҳамда туман (шаҳар) Оила ва хотин-қизлар бўлими бошлиқлари ҳам иштирок этдилар.</p> <p>Республика миқёсида ўтказилган семинар-тренингларда психологлар томонидан маҳаллалардаги хотин-қизлар фаолларига оилалардаги низоли вазиятларнинг олдини олиш, хотин-қизларга ҳуқуқий, психологик ёрдамлар кўрсатиш борасида психологик билимларини оширилишига эришилди. Шунингдек, ўтказилган семинар-тренинглар орқали маҳаллалардаги хотин-қизлар фаоллари фуқаролар билан ишлашда низоли ва нотинч оилалар билан ишлаш, руҳий тушкунликка тушган шахсларга биринчи ёрдам кўрсатиш ҳамда ўз жонига қасд қилиш, ажримларнинг олдини олиш каби махсус кўникмаларга эга бўлишди. Ўтказилган семинар-тренингларда барча хотин-қизлар фаоллари фаоллик билан иштирок этишди ва семинар-тренинг якуни бўйича улар ўртасида тест синовлари ўтказилиб, тестларни муваффақиятли топширган фаолларга Сертификатлар билан тақдирландилар. Мазкур семинар-тренинглар оммавий ахборот воситаларида ёритиш бўйича Медиа-режа ишлаб чиқилиб, тасдиқланди ва ижрога қаратилди. Ўтказилган семинар-тренинглар медиа-режа асосида оммавий ахборот воситалари орқали 2 803 маротаба, шундан, телевидениеда 42 маротаба, даврий нашрларда 62 маротаба, радиода 47 маротаба, интернет ва ижтимоий тармоқларда 2 554 маротаба, расмий сайтларда 49 маротаба ёритилди. Шунингдек, ҳудудлардаги оммавий ахборот воситалари томонидан 9 та жонли эфир, 200 тага яқин семинар-тренинг иштирокчиларининг интервьюлари ташкил этилди.</p>
13.	11-октябр - Халқаро қиз болалар куни	сентябр	11-октябр - Халқаро қиз болалар куни муносабати билан

	<p>муносабати билан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри Ёшлар марказларида “Сенинг ташаббусинг - сенинг келажагинг учун” шиори остида ёш қизлар форумини ўтказиш юзасидан ВазирларМаҳкамаси баёнини тайёрлаш. Бунда асосан “Аёллар дафтари”га киритилган қизларнинг иштирокини таъминлаш чораларини кўриш.</p>		<p>Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри Ёшлар марказларида “Сенинг ташаббусинг - сенинг келажагинг учун” шиори остида ёш қизлар форумини ўтказиш юзасидан Ёшлар ишлари агентлигига таклифлар юборлди.</p>
<p>Хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, тадбиркорлигини ривожлантириш ва уларни касб-ҳунарга ўқитишга кўмаклашиш бўйича</p>			
<p>14.</p>	<p>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 1-августдаги ПҚ-376-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида хотин-қизларнинг кичик бизнес лойиҳаларига имтиёзли кредитлар ажратиш, хотин-қизлар тадбиркорлик марказлари фаолиятини такомиллаштириш ва минтақавий марказлар очиш чораларини кўриш. Бунда: Қорақалпоғистон Республикасида 17 та, Андижон вилоятида 79 та, Бухоро вилоятида 2 та, Жиззах вилоятида 70 та, Самарқанд вилоятида 400 та, Сирдарё вилоятида 2 та ва Сурхондарё вилоятида 32 та маҳаллаларда Хотин-қизлар тадбиркорлик ва саломатлик марказларини ташкил этиш.</p>	<p>июл-декабр</p>	<p>Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Хотин-қизлар бандлигини ошириш ва саломатлигини мустаҳкамлашга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" 2022 йил 21 сентябрдаги ПҚ-376-сонли қарори билан тасдиқланган Маҳаллаларда ташкил этиладиган хотин-қизлар бандлигини таъминлаш ва саломатлигини мустаҳкамлаш марказларининг манзилли рўйхатига мувофиқ 2022-2024 йилларда жами 1 595 та маҳаллаларда марказлар ташкил этилиши белгиланган. Жумладан, 2023 йилнинг 1 октябр ҳолатига 911 та маҳаллаларда марказлар ташкил этилиши белгиланган бўлиб, шундан 909 та маҳаллаларда марказлар барпо этилган. 2 та маҳаллада (Сурхондарё вилояти ва Тошкент шаҳрида) марказларни ташкил этиш ишлари олиб борилмоқда. 2023 йилнинг октябр ойида 223 та маҳаллаларда марказлар барпо этилиши белгиланган бўлиб, шундан 91 та маҳаллаларда марказларни барпо этиш ишлари якунланган ва қолган 132 та маҳаллаларда марказларни ташкил этиш ишлари олиб борилмоқда ва улар жорий ой якунига қадар тўлиқ ташкил этилади. 2023 йил ноябр ойида марказлар ташкил этилиши керак бўлган 219 та маҳаллалардан 58 тасида марказлар ташкил этилган бўлиб, 161 тасида марказларни ташкил этиш бўйича ишлар олиб</p>

			<p>борилмоқда.</p> <p>2023 йил декабр ойида 219 та маҳаллаларда марказлар ташкил этилиши белгиланган бўлиб, бугунги кун ҳолатига уларнинг 56 тасида марказлар ташкил этилган ва қолган 163 тасида эса марказларни ташкил этиш билан боғлиқ ишлар олиб борилмоқда.</p> <p>2023 йил якунига қадар, яъни октябр-декабр ойларида 458 та маҳаллаларда марказлар ташкил этилиши лозим ва уларни ташкил этиш бўйича амалий ишлар олиб борилмоқда.</p> <p>2024 йилда 23 та маҳаллаларда (Андижон вилоятида 22 та, Наманган вилоятида 1 та) марказлар ташкил этилади.</p> <p>2022-2024 йилларда ташкил этилиши белгиланган жами 1 595 та маҳаллалардан бугунги кунга қадар 1 114 тасида марказлар ташкил этилиб, қолган 481 та маҳаллаларда ҳам қарорда белгиланган муддатларда марказларни ташкил этиш чоралари кўрилади.</p>
15.	<p>Ишсиз хотин-қизларни бўш (вакант) ва захираланган (квота) иш ўринларига ишга жойлаштириш орқали 120 минг нафар, ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этиш орқали 60 минг нафар, субсидиялар ажратиш орқали 15100 нафар хотин-қизларни ишга жойлаштириш бўйича амалий чора-тадбирларни белгилаш.</p>	август-декабр	<p>Республика хотин-қизлар тадбиркорлик маркази (кейинги-ўринларда Марказ) ва унинг ҳудудий бўлинмалари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019-йил 7-мартдаги “Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини кўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4235-сонли қарорига мувофиқ ташкил этилган.</p> <p>Хусусан, мазкур қарорда марказларнинг асосий вазибаларидан ижтимоий ҳимояга мухтож ва бандлиги тامينланмаган аёлларни тадбиркорлик ва касб-хунарга ўқитиш, тадбиркорлик билан шуғулланиш истагини билдирган аёлларни марказларга жалб этиш ва тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишга кўмаклашиш ва шу орқали уларнинг бандлигини таъминлашга кўмаклашиш белгиланган.</p> <p>2023 йилда 95 842 нафар хотин-қизларни тадбиркорлик</p>

			<p>марказлари томонидан меҳнат бозорида талаб этилаётган касблар бўйича оёқитилиши режаси белгиланган бўлиб, 2023-йил 1-октябр яъни жорий йилнинг 9 ойи давомида марказлар томонидан жами 83 933 нафари оёқитилди (9 ойлик режага нисбатан 117 фоиз), шундан 26 038 нафари оёзини-ўзи банд қилувчи шахс сифатида рўйхатдан ўтган булса, 4 218 нафари тадбиркорлик субекти сифатида рўйхатдан ўтди. Натижада 30 246 нафарининг бандлиги таъминланишига кўмаклашилди.</p>
16.	<p>Худудлардаги “Хотин-қизлар тадбиркорликмарказлари” фаолиятига амалий кўмак бериш, хотин-қизларни меҳнат бозорида талаб этилаётган касблар бўйича ўқитиш, қайта тайёрлаш ишларининг самарадорлиги ва кўламини янада ошириш мақсадида амалий чора-тадбирларни белгилаш.</p> <p>Бунда марказлардаги ўқув соатлари дастурини қайта кўриб чиқиб, замонавий билим ва кўникмаларни шакллантиришдаги долзарб мавзулар бўйича дастурларни тайёрлаш.</p>	20-сентябр	<p>Республика хотин-қизлар тадбиркорлик маркази (кейинги-ўринларда Марказ) ва унинг ҳудудий бўлинмалари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019-йил 7-мартдаги “Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини кўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4235-сонли қарорига мувофиқ ташкил этилган.</p> <p>Хусусан, мазкур қарорда марказларнинг асосий вазибаларидан ижтимоий ҳимояга муҳтож ва бандлиги таминланмаган аёлларни тадбиркорлик ва касб-ҳунарга ўқитиш, тадбиркорлик билан шуғулланиш истагини билдирган аёлларни марказларга жалб этиш ва тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишга кўмаклашиш ва шу орқали уларнинг бандлигини таъминлашга кўмаклашиш белгиланган.</p> <p>2023 йилда 95 842 нафар хотин-қизларни тадбиркорлик марказлари томонидан меҳнат бозорида талаб этилаётган касблар бўйича оёқитилиши режаси белгиланган бўлиб, 2023-йил 1-октябр яъни жорий йилнинг 9 ойи давомида марказлар томонидан жами 83 933 нафари оёқитилди (9 ойлик режага нисбатан 117 фоиз), шундан 26 038 нафари оёзини-ўзи банд қилувчи шахс сифатида рўйхатдан ўтган булса, 4 218 нафари тадбиркорлик субекти сифатида рўйхатдан ўтди. Натижада 30 246 нафарининг бандлиги</p>

таъминланишига кўмаклашилди.

Гендер тенгликни таъминлаш, хотин-қизларнинг ижтимоий, сиёсий фаоллигини ошириш юзасидан

17.	БМТнинг “Аёллар, тинчлик ва хавфсизлик” тўғрисидаги резолюцияси қоидаларига мувофиқ 2022-2025 йилларга мўлжалланган “йўл харитаси”да белгиланган вазифаларнинг сифатли бажарилишини мониторинг қилиш ва натижасини Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенгликни таъминлаш ва оила масалалари бўйича республика комиссияси муҳокамасига киритиш.	20-август	БМТнинг “Аёллар, тинчлик ва хавфсизлик” тўғрисидаги резолюцияси қоидаларига мувофиқ 2022-2025 йилларга мўлжалланган “йўл харитаси”да белгиланган вазифаларнинг сифатли бажарилишини мониторинг қилиш ва натижасини Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенгликни таъминлаш ва оила масалалари бўйича республика комиссияси муҳокамасига жорий йилнинг 31-июл куни 01-01/406-сонли хат билан юборилди.
18.	Давлат органлари ва ташкилотларда жамоатчилик назорати доирасида гендерга оид аудитни ўтказиш амалиёти ҳамда аудитни ўтказиш бўйича чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш.	25-август	Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси билан биргаликда гендер аудитни ўтказиш бўйича 3-йиллик режа, гендер аудитни ўтказиш услубияти лойиҳаси кўмита томонидан кўриб чиқилди ва Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича республика комиссиясига тақдим этилди. Гендерга оид аудитни ўтказиш бўйича чора-тадбирлар режаси Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича республика комиссияси мажлисининг 2023-йил 21-июлдаги 6-сонли баённомаси билан тасдиқланди.
19.	Худудларда ўтказилган “Гендер тенглик фаоли” миллий танлови ғолибларини тақдирлаш маросимини ташкил этиш.	20-сентябр	2022-йилдан танлов 7 та асосий (“Гендер тенгликни таъминлашда энг фаол туман (шаҳар) давлат органи (ташкilotи)”, “Гендер тенгликни таъминлашда энг фаол ҳудудий давлат органи (ташкilotи)”, “Гендер тенгликни таъминлашда энг фаол республика даражасидаги давлат органи (ташкilotи)”, “Гендер тенгликни таъминлашда энг фаол туман (шаҳар) ҳокимлиги”, “Гендер тенгликни таъминлашда энг фаол ҳудудий ҳокимлик”, “Гендер тенгликни таъминлашда энг фаол ННТ”, “Гендер тенгликни таъминлашда энг фаол тадбиркорлик субъекти”) ҳамда 3 та қўшимча (“Гендер тенгликни тарғиб қилишга қаратилган энг

			<p>яхши ТВ-дастур”, “Гендер тенгликни тарғиб қилишга қаратилган Интернетдаги энг яхши веб-сайт ёки портал”, “Гендер тенгликни тарғиб қилишга қаратилган энг яхши нашр”) номинациялари бўйича ўтказилиши белгиланди.</p> <p>2022-йилда ўтказилган танловнинг қўйи босқичларида 1 000 дан ортиқ вазирлик ва идоралар, нодавлат нотижорат ташкилотлари, ҳокимликлар, тадбиркорлик субъектлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.</p> <p>Ҳудудларда ўтказилган танлов якунлари бўйича республика босқичида асосий номинацияларда 100 га яқин, қўшимча номинацияларда 15 та ташкилот иштирок этди.</p> <p>Шунингдек, вазирлик, идора ва ташкилотлардан республика даражасида танловда иштирок этиш учун 32 та ҳужжат келиб тушган бўлиб, комиссия аъзолари томонидан баҳоланди.</p> <p>Танловнинг Республика комиссияси қарорига асосан 25 та иштирокчи белгиланган номинациялар бўйича ғолиб деб топилди.</p> <p>Комиссия ҳулосасига кўра танловнинг 2022-йилги босқичи якунлари бўйича ғолибларни айнан корхона, ташкилот ёки муассасанинг меҳнат жамоаси иштирокида тақдирлашга қарор қилинди. Танловдаги ғолиблик бу шу ташкилот номидан тақдирлаш маросимида иштирок этган раҳбар ёки унинг вакилининг ғалабаси эмас. Бу жамоавий ютуқ ҳисобланади. Айнан шу сабабли ғолиблик статуеткасини ҳамда махсус дипломни меҳнат жамоаси иштирокида топширишга қарор қилинди.</p> <p>Шу муносабат билан Оила ва хотин-қизлар қўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати, Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича Республика комиссияси, манфаатдор вазирлик ва идоралар ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда тақдирлаш маросимлари ташкил этилди.</p>
--	--	--	---

			<p>Танловнинг республика босқичида ғолиб деб топилган ташкилотларга Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича Республика комиссиясининг дипломлари, статуетка ҳамда Оила ва хотин-қизлар қўмитаси томонидан қимматбаҳо совға (телевизор Артел смарт 43) билан тақдирланди.</p> <p>Танловнинг тақдирлаш маросимларида Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича Республика комиссияси, Олий Мажлис Сенати аъзолари, Оила ва хотин-қизлар қўмитаси вакиллари, нодавлат, нотижорат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.</p>
20.	<p>Давлат бошқаруви академиясида 100 нафар хотин-қизларни “Раҳбар аёллар мактаби” ўқув дастури асосида ўқитилишини ташкил этиш.</p>	август-сентябр	<p>2023 йилда Оила ва хотин-қизлар қўмитаси ҳамда Давлат бошқаруви академияси томонидан 552 соатлик (9 ҳафта) “Раҳбар аёллар” махсус ўқув курси ўқув режаси ишлаб чиқилди ва тасдиқланди.</p> <p>“Раҳбар аёллар” махсус ўқув курсининг навбатдаги мавсумини жорий йилнинг сентябр ойида бошлаш ҳамда давлат бошқарувининг турли соҳаларида фаолият олиб бораётган фаол хотин-қизларни навбатдаги босқичма-босқич ўқитиш режалаштирилган.</p>
Вазирлар Маҳкамаси мажлисларида муҳокама қилинадиган масалалар юзасидан			
21.	<p>Оилавий муносабатларни тартибга солиш ва оилавий ажралишларни олдини олиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг “Оила институтини янада ривожлантириш ва ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш чоратадбирлари тўғрисида” 2020 йил 31 декабрдаги 820-сон қарори ижросини Андижон, Наманган, Фарғона вилоятлари ва Тошкент шаҳрида ўрганиш ва таҳлилий материаллар тайёрлаш.</p>	июл-август	<p>Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ишчи гуруҳи томонидан 2023 йил 14 июл куни Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларида оилавий ажралишларни олдини олиш, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш бўйича амалга оширилган ишлар ўрганилди.</p> <p>Хусусан, Фарғона вилояти Оила ва хотин-қизлар бошқармаси, Фарғона шаҳар, Ёзу ва Асака туманлари оила ва хотин-қизлар бўлимларида, Наманган вилояти Оила ва хотин-қизлар бошқармаси, Мингбулоқ, Наманган, Уйчи туманлари ҳамда</p>

			<p>Наманган шаҳри оила ва хотин-қизлар бўлимларида ҳамда Андижон вилояти Оила ва хотин-қизлар бошқармаси, Андижон шаҳар, Андижон ва Асака туманлари оила ва хотин-қизлар бўлимларида саволномага асосан ўрганишлар ўтказилган.</p> <p>Ўрганишлар давомида 2023 йилнинг 1 июл ҳолатига кўра вилоятларда жами аҳоли сони, оилалар сони, 30 ёшгача бўлган оилалар сони, никоҳлар қайд этилган сони, яқин қариндошлар ўртасида расмийлаштирилган никоҳлар сони, нотинч (ажрим ёқасида бўлган) оилалар, ФХДЁ органларида қайд этилган ёлғиз оналар сони ва ноқонуний яшаётган оилаларни ўрганиб чиқилди.</p> <p>Ажримлар кўрсаткичи.</p> <p>Жорий йил давомида 3115 та оилавий ажрим қайд этилиб, ўтган йилнинг (2022 йил 2543 та) шу даврига нисбатан 572 тага ёки 31,1 фоизга ошган.</p> <p>Никоҳдан ажралиш коэффициенти ҳар 1000 аҳолига нисбатан - 1,6 промиллени ташкил этди. (яъни 1000 та аҳолига 1,6 та ажрим тўғри келмоқда).</p> <p>Ажрим қайд этилган оилаларнинг 1405 таси 1-5 йиллар бирга яшаган оилалар бўлиб, умумий ажримнинг 45,1 % ини ташкил этди.</p> <p>Энг юқори ажрим қайд ҳудудлар: Фарғона шаҳри 375 та- 2,4 промилле, Қувасой шаҳри 112 та – 2,3 промилле, Риштон тумани 210 та – 2,0 промилле, Қўқон шаҳри 283 та – 1,9 промилле.</p> <p>Оилавий ажримларнинг 1016 таси (37,0 %) томонларнинг ўзаро розилиги асосида ФХДЁ органлари, 2099 таси (63,0 %) эса судлар томонидан қайд этилган.</p>
22.	<p>Оилавий муносабатларни тартибга солиш ва оилавий ажралишларни олдини олиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг “Оила институтиниянада ривожлантириш ва ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020-йил 31-декабрдаги 820-сон</p>	20-декабр	<p>Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ишчи гурӯҳи томонидан 2023 йил 21 июл кўни Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 31 декабрда қабул қилинган 820-сон қарори асосида Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларида амалга оширилган ишлар ўрганилди.</p> <p>Ўрганишлар давомида Қарорни ижросини таъминлаш мақсадида марказлар туман (шаҳар) оила ва хотин-қизлар</p>

	<p>қарори ижросини ҳудудларда ўрганиш ва таҳлилий материаллар тайёрлаш.</p>		<p>бўлимлари ҳузурда ташкил этилганлиги, марказлардаги ўқув машғулотларини ўтказиш юзасидан режалар ва дастурларни ишлаб чиқилганлиги, ўқитишнинг замонавий шакл ва услубларини, илғор педагогика, ахборот-коммуникация ва инновация технологияларини жорий этилиши, ўқув машғулотларига малакали мутахассисларни жалб қилиниши, марказлар фаолиятини ўқув-методик жиҳатдан таъминлашда «Оила ва хотин-қизлар» илмий-тадқиқот институти билан ҳамкорлиги, ўқув машғулотларининг ўз вақтида, сифатли ва тўлиқ ўтказилиши ва бошқа масалалари ўрганиб чиқилди.</p> <p>Ўрганишларнинг натижаларига кўра аниқланган камчиликлар юзасидан тегишли топшириқлар берилиб ўтилди</p>
--	---	--	---